



БОСҚИНЧЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ КВАЛИФИКАСИЯ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

С.С.Солимуҳаммаджонов

Хуқуқни муҳофаза қилиши Академияси Тергов фаолияти тингловчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада ўзганинг мулкини талон-торож қилиши билан боғлиқ жиноятлар, босқинчилик ва талончилик жиноятлари тушунчаси, бу бўйича олимлар фикри, жиноий-хуқуқий тавсифи, ижтимоий хавфлилиги, ушбу жиноятарни квалификатсия қилишининг ўзига ҳос жиҳатлари, квалификация ҳусусиятлари ҳамда ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиши билан боғлиқ жиноятларнинг квалификация қилишдаги ўхиши ва фарли томонлари таҳлили келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: босқинчилик, жиноятнинг сабаби, жиноятчилик шароитлари, ҳаёт ва соглик учун хавфли бўлган усулда зўрлик ишлатиш, ҳаёт ва соглик учун хавфли бўлган усулда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, ҳаёт ва соглик учун хавфли бўлмаган усулда зўрлик ишлатиш, ҳаёт ва соглик учун хавфли бўлмаган усулда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш.

Аннотация: В данной статье раскрываются понятия преступлений, связанных с грабежом чужого имущества, преступления вторжения и грабежа, мнение ученых по этому поводу, уголовно-правовая характеристика, общественная опасность, особенности квалификации этих преступлений. Обсуждаются особенности квалификации и грабежа чужого имущества, дается анализ сходных и различных сторон в квалификации преступлений.

Ключевые слова: вторжение, причину преступления, обстоятельства преступления, применение насилия способом, опасным для жизни и здоровья, устрашение с применением насилия способом, опасным для жизни и здоровья, применение насилия способом, не опасен для жизни и здоровья, применяя насилие способом, не опасным для жизни и здоровья, пугает.

Annotation: In this article, the concept of crimes related to the robbery of other people's property, the crime of invasion and robbery, the opinion of scientists on this, criminal-legal description, social danger, specific aspects of the qualification of these crimes, qualification features, and related to the robbery of other people's property the analysis of similar and different sides in the qualification of crimes is given.

Base words: invasion, the cause of the crime, the circumstances of the crime, using violence in a way that is dangerous to life and health, intimidation with the use of violence in a way that is dangerous to life and health, using violence in a way that is not dangerous to life and health, using violence in a way that is not dangerous to life and health scare.



Мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида ажралмас, мутлақо ҳимояланган ва кафолатланган фукаролик ҳуқуқларидан биридир. Мулкнинг дахлизилигини таъминлаш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам боқинчилик ва талончилик орқали мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг содир этилиши жамиятнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги энг оғрикли нуқталаридан биридир. Бу борада президентимиз, Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганларидек, “олдимизда турган яна бир вазифа хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга халақит бераётган барча тӯсиқ ва чекловларни бартараф этишдан иборат”¹⁵. Ҳақиқатда иктисодий жиноятларга қарши курашиш ҳар доим, хусусан иктисодий-сиёсий ва суд-хукуқ соҳасида жадал ислоҳотлар амалга ошаётган даврда долзарблиқ касб этади.

Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда 239 та, 2020 йилда 342 та, 2021 йилда 1003 та талончилик рўйхатга олинган. Ушбу кўрсаткич йилдан йилга ўсаётганини қўришимиз мумкин. 2020 йилда 2021 йилга нисбатан мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар хусусан, босқинчилик 77,6 фоиз, фирибгарлик 133,9 фоиз, ўғрилик 141,7 фоиз ўсиш кўрсаткичига эга бўлса, талончилик 193,3 фоизга ўсиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари ичida етакчилик қилмоқда¹⁶.

Бундан ташқари ҳудудлар кесимида ушбу жиноятларнинг ўсиб бориришини таҳлил қиласидан бўлсақ, Фарғона вилоят судининг 2022 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 2.15-бандига асосан 2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари томонидан босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) билан кўрилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари томонидан ЖКнинг 164-моддаси билан 38 нафар шахсга нисбатан 17 та жиноят ишлари кўриб тамомланган.

Умумлаштириш даврида 2021 йилнинг биринчи ярмида кўриб тамомланган босқинчилик жиноятлари бўйича шахслар сони 16 нафарни ташкил этган бўлсада, 2022 йилнинг биринчи ярмида бу

¹⁵ Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъийлик билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” 1-Т Тошкент “Ўзбекистон” 2017. 68-б.

¹⁶ “Талончиликка қарши курашишнинг жиноят-хукукий чораларини такомтллаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефарати Ф.Ф.Абдуқодиров



кўрсаткич 38 нафарни ташкил этиб, 22 нафарга ёки 57,9 фоизга ортгани кузатилган.¹⁷

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларини квалификация қилишдаги асосий эътибор ушбу жинотларнинг таркибига қаратилиши лозим, яъни ушбу жиноятларнинг обьекти, субекти, обьектив томони, субектив томонини чукур таҳлил қилиниши назарда тутилади.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар жиноятнинг обьекти дейилади.

М.Х.Рустамбоев ва Б.Ж.Ахроровларнинг таъкидлашига кўра бу ҳолларда жиноят-хуқуқий муҳофазани асосий, қўшимча ва факультатив обьектларини инобатга олишни таъкидлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, қонун чиқарувчи қонуннинг тегишли моддасида жиноят таркибида факультатив белгилардан ақалли биттасини кўрсатса, у ҳолда бу белги жиноятнинг зарурӣ белгиси бўлиб қолади. Муаян қилмишнинг содир этилишида бу белгининг йўқлиги шахснинг қилмишида жиноят таркибининг йўқлигини англатади, дейдилар.¹⁸

Биз таҳлил қилаётган босқинчилик ва талончилик жиноятларининг обьекти ҳакида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган.

Шунингдек, П.Б.Бакуновнинг таъкидлашига кўра, босқинчиликнинг умумий обьекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Турдош обьекти ўзганинг мулки. Бевосита обьектлари эса: 1) ўзлаштирилган мол-мулк; 2) жабрланувчининг соғлиғи; 3) агар босқинчилик уй-жойга ғайриқонуний йўл билан кириб содир қилинган бўлса, фуқаронинг турар жой дахлизлиги каби конституциявий хуқуқидир¹⁹.

Ю.М.Каракетов босқинчилик жиноятининг асосий обьекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғидир, шахсий мулк эса қўшимча обьект, жамоат хавфсизлиги эса факультатив обьектдир²⁰, деб ҳисоблайди.

Биз бу фикрларга тўлақонли қўшила олмаймиз. Чунки, бунда муаллифлар босқинчилик жинояти таркибининг элементи бўлган субъектив томонини характерловчи белгилари – яъни, жиноятнинг мотиви ва мақсадини ҳам тўлиқ инобатга олиши лозим эди.

Ваҳоланки, қўпчилик мулкий жиноятлар, жумладан, босқинчилиқда мотив ва мақсад субъектив томоннинг зарурӣ белгиси ҳисобланади. Чунки босқинчи жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилар экан, унинг мақсади ўзганинг мулкини эгаллашга қаратилганлигидadir. Аммо айбдор ўз

¹⁷ Фарғона вилояти суди 2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари томонидан босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) билан кўрилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти умумлашмаси.

¹⁸ Рустамбоев М.Х., Ахроров Б.Ж. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). Тошкент – Илм Зиё. 2006. Б.106.

¹⁹ Бакунов П.Б. Босқинчилик учун жавобгарлик. Тошкент – ТДЮИ. 2006.

²⁰ Каракетов Ю.М. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с разбоем. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Т., 1980. С. 11.



мақсадини амалга оширишда мулк эгаси ёки мулк учун жавобгар шахс ёхуд мулкни олишга тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахслар асосий тўсиқ бўлиб қолади. Тажовузчи ушбу тўсиқни бартараф қилмасдан туриб, яъни мулк эгаси ёки мулкни қўриқловчи ёхуд мулкни олишга тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахсларнинг қаршилигини енгасдан туриб, ўз мақсадига эриша олмаслигини билади ва шунинг учун ҳам мулкни эгаллаш мақсадида биринчи навбатда уларнинг қаршилигини енгиш учун ушбу шахсларнинг соғлиғига тажовуз қиласди.

Р.Қ.Қобуловнинг фикрига кўра босқинчиллик жиноятининг асосий обьекти ўзганинг мулкидир²¹, деган назарияни илгари сурса, М.Х.Рустамбоев эса босқинчилкнинг обьекти ўзганинг мол-мулки, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғидир²², деб ёзади. Биз ҳам бу муаллифларнинг фикрларига қўшиламиз.

Босқинчиллик тушунчасига тўхталадиган бўлсак, босқинчиллик - яъни ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлик учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб содир қилинган ҳаракат тушунилади.

Талончиллик -бу ўзганинг мулкини қонунга хилоф равища, очикдан-очик, ғараз масадда, мулкдор ёки мол-мулк ихтиёрида ёхуд муҳофазасида бўлган, ўзганинг мулки талон-торож қилинаёгани англаб турган бегона кишиларнинг кўз ўнгига эгаллаш²³.

Босқинчиллик ва талончиллик жиноятларини квалификация қилишда бир қатор тушунмовчиликлар юзага келади.

Мисол учун, амалдаги жиноят кодексимизнинг 166-моддаси 2 қисм "а" бандида ҳаёт ва соғлик учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб талончиллик жинояти содир этилса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон қарори З-қисми 4-бандида ҳаёти ёки соғлик учун хавфли бўлмаган зўрлик деганда, енгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозимлиги белгиланган. Пленум қарорида енгил тан жароҳати тушунчаси тўлиқ очиб берилмаганлиги нормани қўллашда бир қатор чигаликларни келтириб чиқармоқда. Кодекс ва пленум қарори тушунтириши таҳлилидан сўнг, албатта, назарияда қандай тушинтириш берилганлигини ҳам таҳлил қилишимиз лозим. М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, ЖКнинг

²¹ Қобулов Р.Қ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Т., Адолат. 1997. 208 б.

²² Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳукуки (Махсус қисм). –Т.: “Ўқитувчи”, 2003. 219 б.

²³ “Талончилликка қарши курашишнинг жиноят-ҳукукий чораларини такомтллаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефарати Ф.Ф.Абдуқодиров.



164-моддаси 1-қисми жабрланувчи соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси) ёки енгил шикаст етказиш (ЖК 109-моддаси 2- қисми) оқибатларини ҳам қамраб олади ва ЖК 105- ёки 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди²⁴.

Кўриниб турибдики, амалдаги жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон қарорида енгил тан жароҳатининг аниқ чегарасининг белгиланмаганлиги талончилик жиноятларини босқинчилик жиноятлари сифатида нотўғри квалификация қилинишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган жинятларни квалификация қилишда тугалланган жиноят сифатида ёки тугалланмаган жиноят сифатида квалификация қилишда чигалликка учрашимиз табиий. Чунончи, бирон бир ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, яъни енгил тан жароҳати етказган ёхуд енгил тан жароҳати етказиш таҳди迪 билан содир этилган жиноят айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тугалланмай қолса, биз бу жиноятни босқинчилик деб олсак, тугалланган жиноят сифатида талончилик деб баҳоласак, жиноятга суиқасд сифатида квалификация қилишиз лозим бўлади.

Ўзганинг мол-мулки талон-торож қилинган ва айбдорда талон-торож қилинган мол-мулкни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан эътиборан талончилик тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

Мисол учун А исмли шахс магазинга кириб, сотувчига енгил тан жароҳати етказган ҳолда кассадаги пулларни ўзининг ҳалтачасига солаётганида тасодифан магазинга ички ишлар ҳодимлари кириб қолади. А исмли шахс пулларни ололмай деразадан отилиб чиқиб кетади. Ушбу ҳолатни пленум тушунтиришига асосан талончилик сифатида баҳолаб, 25-модда 2-қисми ҳамда 166-модда тегишли қисми билан квалификация қилиб, ҳолат учун тегишли диспозиция учун белгиланган санциянинг энг юқори миқдорининг энг кўпич билан 3 дан 2 қисмига қадар қўллашимиз мумкин.

Бироқ баъзи назарий адабиётларга таянган ҳолатда босқинчилик сифати баҳолайдиган бўлсак, ушбу жиноят бошланган пайтдан эътиборан тугалланганлигини инобатга олган ҳолда 164-модданинг тегищди қисми билан квалификация қилишиз лозим бўлади. Натижада квалификациянинг

²⁴ Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 21 bet.



нотўғрилиги оқибатида айбдорга нисбатан юқори санкция қўлланишига сабаб бўлади.

Босқинчилик ва талончилик ўзганинг мол-мулкига қарши қаратилган энг хавфли жиноятлардан бўлиб, уларнда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказиш ёхуд зиён етказилиши учун реал хавфни вужудга келтириш орқали мол-мулкни эгаллашга қаратилади.

Жиноят кодекси 166-моддаси З қисми “б” бандига асосан талончилик жинояти *уй-жойга, омборхона* ёки *бошқа хонага* ғайриконуний равишида кирган ҳолда содир этилса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Гайриконуний кириш деганда ўғрилик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади.

Уй-жой деганда кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига киравчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади.

Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун маҳsus жихозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади²⁵.

Кўриниб турганидек, ЖКнинг 166-моддаси З қисми “б” банди “бошқа хонага” атамаси диспозициянинг мавҳумликка сабаб бўлган. Бу эса амалиётда қатор тушунмовчилик ва хатоларга олиб келмоқда.

Мисол учун, қишлоқ ҳудудларда ер майдони жуда катта бўлган ҳамда атрофи девор тўсиқ билан ўралмаган хонадонлар мавжуд. “А” исмли шахс мазкур хонадоннинг девор билан ўралмаган дала ҳовли қисмидан тахминий баҳоси 3 млн. сўм бўлган зотдор итни хонадон эгасининг кўриб қолганлиги ва “олиб кетма” деб бақиришига қармасдан очиқ талон-торож қилиб воқеа жойидан кетиб қолган.

Ушбу ҳолатни таҳлил қиласиган бўлсак, “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон қарори З-қисм 1-банди айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкини эгаллаб

²⁵ “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон қарори.



олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунгандигини англағанда, ўзганинг мулкини ошкора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланиши тұғрисида тушинтириш берилған.

Бу ҳолатн Пленум қарорига асосан биз талончилик сифатида квалификация қиласынан бұлсақ, 166-модданинг қайси қисмiga асосан квалификация қилишимиз керак, деган савол туғилади. Яғни, юқоридаги ҳолатда уй-жойға, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равища кириб талончилик ҳисобланадими, йұқми?

Фикримизча талончилик жиноятининг асосий обьекти ўзганинг мулки бўлиб, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи **факултатив обьект** деб биламиз. Шундай экан юқоридаги ҳолатни ЖКнинг 166-моддаси З қисми "б" банди, яғни уй-жойға, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равища кирган ҳолда содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиш амалиёти шакилланғанлиги амалиётдан маълум.

Бироқ ушбу банд билан тартибга солиши учун жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказиш ёхуд зиён етказилиши учун реал хавфни вужудга келтириш орқали мол-мulkни эгаллашга қаратилади. Юқоридаги ҳолатда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказиш ёхуд зиён етказилиши учун реал хавфни вужудга келтирмаганлигини, фақатгина жабрланувчининг кўз ўнгидаги мулкини олиб кетгандынини ҳисобга олган ҳолатда ЖК 166-моддаси 1 қисми билан квалификация қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказиш ёхуд зиён етказилиши учун реал хавфни вужудга келтирмаган бўлишига қарамасдан бизнинг ЖК 166-модда З қисми "б" банди билан малакашибимиз айдорни юқори санкция қўлланиши, яғни беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши сабаб бўлиши мумкин.

Ваҳоланки, ЖКнинг 7-моддаси 1-қисмiga кўра жазо ва бошқа хуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиши мақсадини кўзламаслиги ва 2-қисмiga асосан жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа хуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги²⁶ белгиланган.

Шу билан бирга қўшни давлатлар қонунчилиги таҳтил қилинганда, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида 192-моддасининг (босқинчилик) З-қисми 4-бандида **туарар-жой, хизмат қўрсатиши, ишлаб чиқариши бинолари ёки омборхоналарга ноқонуний кириш мол-мulkни мусодара қилиш билан**

²⁶ Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 7-модда.



етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” бандидаги “бошқа биноларга” ҳамда 166-модда 3-қисми “б” бандидаги “бошқа хонага” сўз бирикмаларидағи мавхумликни олдини олган ҳолатда Олий Суд пленуми қарорига ўзгартириш киритиб, ушбу сўз бирикмаларинининг чегарасини белгилаб қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Босқинчилик ва талончилик жиноятида одам ўлдирилиши умумий мулкка гайриқонуний эгалик қилиш қасди билан қамраб олинади.

Ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳаракатлари оқибатида ўлимнинг келиб чиқиши М.Х.Рустабаевнинг шарҳига асосан еҳтиётсизликдан одам ўлдириш жинояти жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 102-моддаси 1-қисми ва ЖК 164-моддаси 3-қисми “г” банди билан квалификация қилиниши керак”лиги таъкидланган.

Бироқ бизнинг фикримизча, умумий қасд мулкка эгалик қилиш мақсадада ўлим келиб чиқиши ушбу модданинг ўзи билан квалификация қилиниши лозим ва ЖК 164 ва 166-моддаларига “жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса” қисми қўшилиб ҳамда мутаносиб равишда санкция билан белгиланиши лозим.

Амалиётда босқинчилик ва талончилик жиноятлари оқибатида ўлим келиб чиқиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди ёки 102-моддаси билан қўшимча квалификация қилинади.

“Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.2004 йилдаги 13-сон қарори 14-қисмiga 1-бандига асосан айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф қўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқукларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳак тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) кутилиш мақсадида қасдан одам ўлдириш таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан) квалификация қилиниши лозимлиги белгиланган.

Босқинчилик ёки талончилик жинояти оқибатида ўлим келиб чиқишини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди таъмагирлик ниятида қасдан одам ўлдириш билан квалификация қилиниши таҳлил қилиниши лозим деб ўйлаймиз. Чунки ЖК 97-моддаси иккинчи қисми “и”банди билан жиноят содир этишнинг мақсади қасдан одам ўлдириш орқали моддий наф қўриш.



Босқинчилик ёки талончилик жинояти оқибатида ўлим келиб чиқиши эса ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ёки соғлик учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб ёхуд ҳаёт ёки соғлик учун хавфли бўлмаган аниқ зўрлик ишлатиб, балки шундай зўрликни кўллаш билан қўрқитиб содир қилинади.

Босқинчилик ёки талончиликда тўғридан тўғри қасд орқали одам ўлдириш билан мулкий манфаат кўриш мақсади ётмайди. Босқинчилик ёки талончилик оқибатида ўлим келиб чиқишини 97-модда 2-қисми “и” банди билан квалификация қилишимиз биринчидан, айдорга нисбатан ЖКнинг иккита моддаси билан жиноят иши қўзғатишга, иккинчидан 97-модда иккинчи қисми “и” банди белгиланган оғирроқ санксияни қўллашимишга сабаб бўлади.

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда ЖК 164-моддаси 4-қисмiga “г” банд қўшилиб, “жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса” диспозитсияси белгиланиши ва 164-моддаси тўртинчи қисми учун белгиланган санкция ушбу банд учун қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агарда ушбу берилган фикрга қарши тарзда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бобида шахсга қарши жиноятлар бобининг элемти ётиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида фикр юритилган тақдирда, ушбу жиноятни 164-модда тегишли қисми ва 97-модда 1-қисми билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилган ҳолатда жазо тайинлаши адолатлироқ бўлади. Чунки 164-модда тегишли қисми 97-модда 2-қиси “и” бандидаги таъмагирлик ниятини қамраб олган бўлади.

Чунончи, ЖКнинг 7-моддаси 2-қисмida жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керакли қатъий белгиланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 01.05.2023 й, 28 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси.
3. “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги 6-сон қарори.



4. “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.2004 йилдаги 13-сон қарори.
5. Фарғона вилояти суди 2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) билан кўрилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти умумлашмаси.
6. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъийлик билан давом эттириб янги босқичга қўтарамиз” 1-Т Тошкент “Ўзбекистон” 2017. 68-б
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: 2004 й.
8. Юридик энциклопедия. -Т.: “Шар.”, 2001 й. 46-б.
9. “Талончиликка қарши қурашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомтлаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефарати Ф.Ф.Абдуқодиров.
10. Блиндер Б.А. Объект преступления и потерпевший в преступлениях против личности. «Проблемы советского государства и право». Т., 1970.
11. Бакунов П.Б. Босқинчилик учун жавобгарлик. Тошкент – ТДЮИ. 2006.
12. Каракетов Ю.М. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с разбоем. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридический наук. Т., 1980.
13. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 4. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган - Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. - 529 бет.
14. Амалий қўлланма/ Миражмедов Ж., Ким О., Шодиқулов О., Аскаров Н., Аршиддинов С., Махмудов И., Усмонов Ф., И.Р.Астанов - Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2019.-80 б.